

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**



**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИНИ 2017-2030 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ  
КОНЦЕПЦИЯСИ (СТРАТЕГИЯСИ) ва РИВОЖЛАНТИРИШ  
ДАСТУРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**



**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИНИ 2017-2030 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ  
КОНЦЕПЦИЯСИ (СТРАТЕГИЯСИ)**

**ТОШКЕНТ – 2017**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари  
университети ва унинг худудий филиалларини 2017-2030 йилларда  
ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар”нинг 7-банди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳолари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарорининг 7-бандида белгилаб берилган вазифалар ижросини тайминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қарор қиласи:

1. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг худудий филиалларини 2017-2030 йилларда ривожлантириш дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори ва филиаллар директорларига:

дастурнинг ҳар бир бандида белгиланган топширикларни амалга ошириш механизми, масъуллар ва ижро муддати аниқ кўрсатилган йиллар кесимидағи режаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

режадаги топширикларнинг бажарилиш ҳолатини ҳар чорак якуни бўйича Университет Кенгаши йиғилишида муҳокама қилиб бориш ва зарур чоралар кўриш;

йил якунида дастур бўлимлари бўйича масъул раҳбарларнинг ҳисоботини эшлитиш;

ҳар чорак якуни бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт

соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ тегишли Комплекс раҳбарлари ва мутасадди раҳбарларга тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

3. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли ва 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарорларида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети бўйича белгиланган топшириқларнинг бажарилиш мониторингини юритсин;

ҳар чорак якуни бўйича амалга оширилган ишларни муҳокама қилиб боришни йўлга қўйсин ва ваколати доирасида зарур ёрдам кўрсатиш чораларини кўрсин.

4. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий филиалларини 2017-2030 йилларда ривожлантириш дастури”ни амалга оширища Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда унинг филиаллари билан яқиндан ҳамкорлик қилсин.

5. Мазкур қарор ижросининг назорати Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринbosари О.Умаров ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг биринчи ўринbosари Д.Набиевга юклатилсин.

Ахборот технологиялари  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири



Ш.Шерматов

2017 йил “28” септември  
24/22-сон

Олий ва ўрта маҳсус  
таълим вазири



И.Маджидов

2017 йил “5” октябрь  
63 жон

Дод - РЛ

А.М.

# **Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетини 2017-2030 йилларда ривожлантириш Концепцияси (стратегияси)**

## **Кириш**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетини (кейинги ўринларда – Университет) 2017-2030 йилларда ривожлантириш Концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар”нинг 7-банди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарорининг 7-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, университетни сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш стратегиясини белгилайдиган ҳужжат ҳисобланади. Концепция Университетнинг таълим, илм-фан, бошқарув, молия-иктисод, маъмурий-хўжалик, халқаро алоқалар ва бошқарув фаолиятининг устувор йўналишларини ривожлантириш ва такомиллаштириш асосида уни республика ва халқаро олий таълим тизимида рақобатбардош таълим муассасаси даражасига олиб чиқишни назарда тутади.

Университет истиқболли ривожлантиришнинг асосий **концептуал тамойиллари** қуйидагилардан иборат:

таълим муассасасининг барча фаолият йўналишлари сифатини ошириш, Университетни бозор иқтисодиёти шароитида барқарор динамик ўсиш траекториясига олиб чиқиш, уни замонавий меҳнат бозорида рақобатбардош ва эҳтиёж юқори бўлган АҚТ соҳасида етук мутахассислар (битирувчилар) тайёрлаш билан ажralиб турадиган университетга айлантириш;

фундаментал ва амалий илмий-тадқиқотлар, шунингдек АҚТ соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантириш;

жаҳон стандартларига мувофиқ мутахассислар тайёрлашни таъминлаш, илмий-тадқиқотлар ўtkазиш, таълим ва қўшимча хизматлар кўрсатиш;

Университетда халқаро даражадаги маданий-таълим мухитини яратиш; инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва ўкув жараёни, илм-фан, бошқарувга тадбиқ этиш;

ишлаб чиқариш ташкилотлари, етакчи академик ва таълим муассасалари ҳамда хорижий давлатларнинг АҚТ соҳасида илғор олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан мустаҳкам ва самарали алоқларни яратиш;

Университетда лидерлик, корпоратив маданият, рақобат мухитида яшаш ва ғолиб чиқиш ҳиссиёти шакллантириш;

Университетда битирувчиларга ютуққа йўл очадиган билим устуворлиги, эркин фикр билдириш, ижодий қобилиятларни кўллаб-куватлаш каби мухит яратиш.

Юқорида қайд этилган концептуал тамойиллар асосида Университетни ҳар бир фаолият йўналишлари бўйича ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифаларини шакллантириш мумкин.

## **Университетни ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари**

### **1. Таълим жараёни**

#### **1.1. Таълим жараёнининг стратегик мақсади**

Юқорида қайд этилган концептуал тамойиллар асосида таълим фаолиятини такомиллаштириш орқали мутахассислар тайёрлаш сифатини сезиларли даражада яхшилаш.

#### **1.2. Таълим фаолиятини такомиллаштириш бўйича вазифалар:**

- талабаларнинг чуқур билим, касбий малака ва кўникма олишлари, шунингдек ўзларининг ижодий потенциалларини намоён қилишлари учун ўкув, илмий, инновацион фаолият бирлигини таъминлаш;
- мутахассислар тайёрлашнинг юқори сифатига эришиш учун талабалар, профессор-ўқитувчилар, таълим технологияларига бўлган талабларни кучайтириш;
- Университет олдида турган муаммоларни оптимал тарзда ҳал этишга йўналтирилган янги, ностандарт таълим ва илмий технологияларни яратиш;
- замонавий таълим технологияларини яратиш ва ривожлантириш, илмий-педагогик мактаблар ва инновацион ғояларни қўллаб-куватлаш, фан, техника ва технологияларнинг охирги ютуқларини акс эттирган дарслик ва ўкув қўлланмаларини яратиш;
- республикасиз иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг ривожланиш истиқболлари, меҳнат бозорининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, янги таълим йўналишлари ва мутахассиликларини очиш;
- ёшларнинг таълим олишга бўлган қизиқишини қондириш мақсадида маҳсус сиртқи ва иккинчи олий таълим шакллари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга кўйиш;
- ўкув жараёнига масофавий таълим элементларини кенг жорий этиш;
- мутахассислик фанлари инглиз тилида ўқитиладаган гурӯҳлар ташкил этиш;
- ўкув-услубий базани замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда мунтазам такомиллаштириб бориш;
- ўкув жараёнига босқичма-босқич кредит-модул тизимини жорий этиш;
- кадрлар тайёрлаш ва уларни ишга йўналтиришда таълим хизматлари маркетинги тизимини такомиллаштириш;
- ўкув бўлинмаларининг кадрлар потенциали ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги таълим технологияларини тадбик этиш мақсадида ўкув жараёнининг услугубий ва ахборот таъминотини такомиллаштириш;
- профессор-ўқитувчилар таркибининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;
- республикамиз ва хорижий етакчи олий таълим муассасаларининг таълим тизими ва мазмунини ташкил этишдаги илғор тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш;
- ўкув режаларига етакчи хорижий олий таълим муассасалари тажрибаси асосида янги фанларни киритиш, дарслик ва ўкув қўлланмаларини таржима қилиш.

## **2. Илмий-тадқиқот, ижодий, инновацион фаолият ва олий малакали кадрлар тайёрлаш**

### **2.1. Илмий-тадқиқот, ижодий, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва олий малакали кадрлар тайёрлашнинг стратегик мақсади**

Илмий-тадқиқот, ижодий, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва олий малакали кадрлар тайёрлаш:

Университетнинг кадрлар сиёсатини амалга ошириш;

Университетни республикада етакчи илмий-таълим маркази сифатида намоён бўлишини таъминлайдиган фундаментал ва амалий илмий-тадқиқотлар, инновацион фаолиятни ривожлантириш;

Университетни халқаро инновацион фаолият маркази даражасига чиқаришга қаратилган.

### **2.2. Илмий-тадқиқот, ижодий, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва олий малакали кадрлар тайёрлаш бўйича вазифалар**

- таълим ва илмий жараёнлар бирлигини таъминлаш;

- грант танловлари, турли даражадаги дастурлар, хўжалик шартномалари асосидаги тадқиқотларда қатнашиш, лаборатория, технопарк, инновацион-технологик марказларни ташкил этиш орқали илмий-тадқиқотлар ва инновацион фаолиятни диверсификация қилиш доирасини кенгайтириш;

- илмий-тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар сифати ва молиялаштирилишини ошириш;

- лаборатория ва ахборот базаларини модернизациялаш, консалтинг, маркетинг, молиявий, ахборот ва таълим хизматларини кўрсатиш орқали илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион фаолиятни замон талабалари даражасида техник қўллаб-куватлаш;

- талабаларни илмий-тадқиқотларга жалб этиш, иқтидорли талабалар билан индивидуал ишлаш доирасини кенгайтириш, уларни стажировка – магистратура – таянч докторантураси – докторантураси тизимида мақсадли тарбиялаб бориш ишларини фаоллаштириш;

- докторант ва талабаларнинг камиди битта чет тилини билишини таъминлаш учун замонавий тил ўқитиши технологияларини жорий этиш;

- юқори малакали илмий, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишлари самарадорлигини ошириш;

- республика саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарининг жадал суратларда ривожланишини таъминлашда илмий ва инновацион ишланмалар аҳамиятини ошириш;

- фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар, давлат грантлари танловига лойик, шунингдек, хўжалик шартномалари асосида бажариладиган илмий-тадқиқот мавзулари спектрини кенгайтириш;

## **3. Халқаро фаолият**

### **3.1. Халқаро фаолиятнинг стратегик мақсади**

Халқаро ҳамкорлик, даставвал, Университетнинг жаҳон таълим тизимига интеграциялашувини таъминлаш, жаҳон олий таълим тизими стандартларига

яқинлашиш, таълим, илмий, иқтисодий фаолият доирасини кенгайтириш учун замонавий шарт-шароит ва норматив базани яратишга йўналтирилган.

### **3.2. Халқаро фаолият бўйича вазифалар**

- хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари профессор-ўқитувчиларини таълим жараёнига жалб этиш, улар томонидан мутахассислик фанларини тизимли асосда ёки модул фанлар шаклида янги хорижий ўкув адабиётлардан фойдаланиб ўқитилишини йўлга кўйиш;
- Университет талабалари, ёш олимлари ва профессор-ўқитувчиларини хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказларига ўқиш, стажировка, малака ошириш ва илмий-тадқиқот ишларини бажаришга юбориш;
- хорижий профессор-ўқитувчи ва олимларнинг маҳорат дарсларини ташкил этиш (тўғридан тўғри жалб этиш ёки видеоконференция орқали), улар иштирокида илмий конференциялар, давра сухбатлари ва семинарлар ўтказиш;
- хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда замонавий технологиялар асосида чет тилларини ўқитишни йўлга кўйиш;
- халқаро илмий-тадқиқот лойиҳалари ва грантларида иштирок этиш кўламини кенгайтириш;
- хорижий нашрларда чоп этиладиган илмий мақолалар сонини ошириш, университет профессор-ўқитувчилари томонидан чоп этилган тезис ва мақолалар иқтибослигини оширишга эришиш;
- университет илмий-педагогик ходимларининг халқаро илмий конференцияларда маъруза билан иштирок этишларни таъминлаш;
- университет томонидан таъсис этилган илмий журналда хорижий олимларнинг мақоларини чоп этиш, уларни тақризчи сифатида иштирокини рагбатлантириш.

## **4. Ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти**

### **4.1. Ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини такомиллаштириш**

Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини такомиллаштириш Университетнинг барча фаолият турлари, биринчи навбатда ўқув-илмий жараёнга хизмат қилиш ишлари сифатини ошириш, шунингдек ходимлар ва талабаларнинг меҳнат қилиш, ўқиш ва хордиқ чиқариш шароитларини яхшилашга йўналтирилган.

### **4.2. Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти бўйича вазифалар**

- ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида бюджет ва бюджетдан ташқари маблагларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш;
- сарф-харажатлар самардорлигини назорат қилиш тизимини жорий этиш;
- бюджетдан ташқари маблағлар топиш ишларини амалга ошириш;
- хўжалик хизматлари моддий-техник базасини ривожлантириш;
- мавжуд жиҳозларни модернизация қилиш ва янгиларини харид қилиш;
- ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятига малакали кадрларни жалб этиш.

## **5. Молия ва иқтисодий фаолият**

### **5.1. Молия ва иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш**

Молия ва иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш молиявий манбаларни жалб этиш, улардан Университетнинг асосий фаолиятини молиялаштириш учун мақсадли фойдаланишга йўналтирилган.

### **5.2. Молия ва иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш вазифалари**

- молиявий масалаларни тизимли таҳлил ва назорат қилиш, харажатлар сметасини объектив асослаш;
- Университет ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириб бориш;
- молиявий ресурсларни тежаш;
- молиявий режалаштириш, бухгалтер ҳисоби ва назоратига замонавий дастурий маҳсулотларни жорий этиш;
- тўловли таълим хизмат турларини кенгайтириш (иккинчи олий таълим, қўшимча таълим, хорижий тилларни ўргатиш, консалтинг ва сервис хизмати кўрсатиш марказларини ташкил этиш);

## **6. Университетни бошқариш**

### **6.1. Университетни бошқаришни такомиллаштириш бўйича вазифалар**

- бошқарув ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, бошқарув услубларини такомиллаштириш;
- хужжатлар алмашинувини халқаро стандартлар талабларига мувофиқ тизимлаштириш;
- Университет тузилмасига заруратдан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритиш;
- маҳсус сиртқи, олий таълим ва масофавий таълим шаклларини жорий этиш.

## **7. Таълим ва илмий фаолиятнинг моддий-техника базасини ривожлантириш**

### **7.1. Таълим ва илмий фаолиятнинг моддий-техника базасини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари**

Таълим ва илмий фаолиятнинг моддий-техника базасини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари таълим стандартлари ҳамда илм-фаннинг замонавий талабларига мувофиқ моддий-техника база яратишга қаратилган.

### **7.2. Таълим ва илмий фаолиятнинг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича вазифалар**

- ўқув ва илмий-тадқиқот лаборатория, ўлчов-диагностика жиҳозларини замон талаблари даражасида янгилаш ва ишчи ҳолатда сақлаш;
- маъруза залларини аудио ва мультимедиа жиҳозлари билан таъминлаш;
- ўқув-илмий лабораторияларнинг замонавий моддий-техник таъминотини яратиш.

## **8. Университетни ахборотлаштириш**

### **8.1. Ахборотлаштиришнинг стратегик мақсадлари**

Ахборотлаштиришнинг стратегик мақсадлари меҳнат бозорида кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, таълим беришнинг сифатини ошириш ва таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган.

### **8.2. Ахборотлаштиришнинг асосий вазифалари**

- Университетнинг асосий фаолият йўналишлари бўйича ахборотлаштириш платформаларини танлаш ва яратиш;
- асосий ахборотлаштириш платформаларини таълим муассасасининг корпоратив тизимига интеграциялаш;
- Университетнинг профессор-ўқитувчилари, талабалари ва ходимларига ички ва ташки ахборот ресурсларидан рўйхатдан ўтган ҳолда фойдаланиш имкониятини яратиш;
- “Ўкув жараёнида ахборот технологияларини узлуксиз қўллаш” дастурини тадбиқ этиш;
- масофадан ўқитиш тизимини яратиш;
- Университет профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг ахборот технологияларини қўллаш бўйича малакаларини ошириш;
- Университет жаҳон ахборот маконида рус ва чет тилларида намойиш этиш учун Web-технологияларини ривожлантириш;
- ахборот-ресурс марказлари, электрон дарслик ва ўкув қўлланмаларининг Web-каталогларини ривожлантириш;
- ахборот ҳимоясини таъминлаш.

## **9. Тил ўқитишни ривожлантириш**

Тил бўйича тайёргарлик замонавий таълимнинг ўта муҳим элементи ҳисобланиб, Университет битирувчиларининг глобал дунё, очик ахборот маконига кириб боришиларига кенг имконият яратади.

### **9.1. Тил ўқитишни ривожлантиришнинг стратегик вазифалари**

- чет тилларидан камида биттасини ўқитишни таъминлаш;
- талабалар, магистрантлар ва докторантларга дифференциаллашган ёндошув асосида тил ўқитиш;
- Университетнинг барча таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таълим дастурларига қасбий мулоқот бўйича тил ўқитишни жорий этиш;
- профессор-ўқитувчиларда мутахассислик бўйича ноёб техник адабиётларни таржима қилиш, маъруза ўқиш, нутқ сўзлаш, чет тилларида мақолалар ёзиш каби профессионал компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш;
- чет тилларини мукаммал биладиган профессор-ўқитувчилар томонидан маҳсус фанлардан чет тилларида маъруза ўқилишини таъминлаш;
- маҳсус фанларни чет тилида ўқитиш услубларини яхши биладиган хорижий мутахассисларни ўкув жараёнига жалб этиш;

- Университет профессор-ўқитувчиларининг чет тилларини ўрганиш, маҳсус фанлардан чет тилида маъруза ўқишга бўлган ҳаракатларини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;
- чет тилларини ўқитиши жараёнини замонавий ўқув-методик ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва харид қилиш;
- Университетда фаол тилга ўргатиши ахборот муҳитини шакллантириш.

## **10. Олий таълимга тайёрлаш**

Олий таълимга тайёрлаш Университет фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида олинган билимларни янада мустаҳкамлаш, Университетга иқтидорли ёшларни танлаб олиш ва республика иқтисодиёт тармоқларининг АҚТ соҳасидаги етук мутахассисларга бўлган талабларини қондириш энг долзарб масала ҳисобланади.

### **10.1. Олий таълимга тайёрлашни ривожлантириш вазифалари**

- умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари билан шартномалар асосида яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;
- узлуксиз таълим тизимида таълим жараёнини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;
- узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш бўйича дастур ва лойиҳаларда биргаликда иштирок этиш ва амалга ошириш;
- абитетиентларни олий таълим муассасаларига кириш синовларига тайёрлаш учун кундузги, кечки, сиртқи ўқув курсларини ташкил этиш;
- таълим хизматлари ярмаркалари, кўргазмаларини ташкил этиш ва иштирок этиш;
- мактаб, лицей ва коллеж ўқитувчилари учун семинар ва илмий-амалий конференциялар ташкил этиш ва ўтказиш;
- мактаб, лицей ва коллеж ўқитувчилари ўртасида касбга йўналтириш ишларини фаол олиб бориш, маҳсус курслар, тестлар, танловлар, олимпиада, очик эшиклар кунини ташкил этиш.

## **11. Корпоратив маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш**

Университетда корпоратив маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш жамиятда кечаётган ўзгаришлар, жамиятнинг устувор қадриятлари: таълимга бўлган ижтимоий буюртма юзасидан масъулиятнинг давлат, оила ва корхона ўртасида тақсимланиши, шахснинг жамият ва ўз фаровонлиги учун масъулияти, салбий ижтимоий жараёнларга қарши курашиш заруратини аниқ англашга асосланади.

### **11.1. Корпоратив маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича вазифалар**

- анъаналар, бошқарув услуби, коллегиал қарор қабул қилиниши билан боғлиқ ҳолда вужудга келган корпоратив маданият, унинг характеристи, ижобий ва салбий элементларини ўрганиш;

- аксарият ходимлар ва талабалар томонидан корпоратив маданиятнинг элементларини ўрганилиши ва англаниши орқали шарт-шароитларга мувофик ўзгартиришлар киритиш;
- Университетнинг интеллектуал ва кадрлар салоҳиятини бошқариш тизимини яратиш;
- талабаларни ўқитиш ва тарбиялаш маданиятини такомиллаштириш;
- илмий-тадқиқотлар маданиятини такомиллаштириш;
- таълим жараёнига хизмат қилиш маданиятини такомиллаштириш;
- Университет профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабаларининг юриштуриш маданияти ва турмуш тарзини ўрганиш;
- Университет жамоасида ижтимоий-психологик муносабатларни такомиллаштириш.

12. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ушбу Концепция асосида ўзининг “2017-2030 йилларда ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқади.

**Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг 2017-2030 йилларда ривожлантириш Концепцияси  
(стратегияси) ва Дастири**

Ишлаб чиқувчи ҳамда келишилган асосий иш берувчилар

Ишлаб чиқувчи:

**Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент  
ахборот технологиялари университети ректори**



Т.Тешабаев

“19” септември 2017 йил

Келишилди:

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлиги Таълим бўлими бошлини**

А.Раджиев  
“19” септември 2017 йил

**“UNICON.UZ” фан техника ва маркетинг  
тадқиқотлари маркази директори**



Х.П.Хасанов  
“19” септември 2017 йил

**Республика ахборот кутубхона маркази директори**



А.Отакузиев  
“19” септември 2017 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**



**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИНИ 2017-2030 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ДАСТУРИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

## **1. Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳақида**

Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети (собиқ Тошкент электротехника алоқа институти) ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер ва ахборот технологиялари ҳамда коммуникациялар йұналишлари бўйича республикада таянч олий ўқув юрти ҳисобланиб, собиқ иттифоқ Вазирлар Маҳкамасининг 1953 йил 18 майдаги 1291-сонли қарори ҳамда собиқ Алоқа вазирлигининг 1955 йил 28 июндаги 487-сонли буйруғи билан ташкил этилган. Унга дастлаб Тошкент электротехника алоқа институти деб ном берилиган. Тошкент электротехника алоқа институти собиқ Алоқа вазирлигининг тармоқ институти ҳисобланиб, асосан Ўрта Осиё ва Қозогистон республикалари учун электралоқа ва радиоалоқа муҳандисларини тайёрлаб берган. 1960 йилда электроалоқа муҳандисларини биринчи авлоди институтни тамомлаб, ҳалқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларга меҳнат фаолиятига юборилди.

Ахборот-коммуникация технологияларининг жаҳондаги ривожланиш тенденцияларидан келиб чиқкан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-3080-сонли фармони бўйича институтга “Университет” мақоми берилиб, “Тошкент ахборот технологиялари университети”га айлантирилган.

Ўзбекистоннинг вилоятлардаги инфратузилмалари, у ернинг АҚТ ва коммуникациялари соҳаси учун маҳаллий кадрлар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги “Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-91-сон қарори билан Самарқанд, Фарғона, Нукус, Қарши ва Урганч шаҳарларида университетнинг минтақавий филиаллари ташкил этилган. Мазкур қарорга асосан Университет ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида таянч олий таълим муассасаси этиб белгиланган.

Мұхаммад ал-Хоразмийнинг буюк ва бебаҳо меросини қадрлаш, уни ёш авлод онгига чуқур сингдириш, шунингдек, республика иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳалари учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахassisлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 марта “Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2834-сон қарори қабул қилиниб, Университетга буюк аллома, дунёда ривожланиб бораётган рақамли технологияларнинг асоси бўлган “алгоритм” тушунчасининг асосчиси Мұхаммад ал-Хоразмий номи берилди. Университет Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги таркибиға киритилган.

Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари,

Олий мажлис қарорлари, “Олий таълим тўғрисида”ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари ва ўз Уставига амал қиласди.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети юридик шахс ҳисобланади. Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа, шу жумладан, валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети жойлашган манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 108 уй.

Хозирги кунда университет ва унинг филиалларида 14 та факультет (ш.ж., Тошкент шаҳрида 7 та: “Компьютер инжиниеринги”, “Дастурий инжиниеринги”, “Телекоммуникация технологиялари”, “Телевизион технологиялар”, “АҚТ соҳасида касб таълими”, “АҚТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент”, “Ахборот хавфсизлиги”) ва 64 та кафедралар (ш.ж., Тошкент шаҳрида 29 та) фаолият кўрсатмоқда ва 9 та бакалавр таълим йўналишларида **10 432** нафар, 14 та магистратура мутахассислари бўйича 316 нафар талабалар таҳсил олмоқда. Талабаларга билим ва кўнгилмалар бериш учун Университетда **484** нафар асосий штатда, 104 нафар ўриндошлиқ асосида профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Улардан 19 нафари фан доктори, профессорлар, 101 нафар фан номзоди, доцентлар бўлиб, 364 нафари катта ўқитувчилар ва асистентлардир.

## 2.Университет миссияси

Университет миссияси – олий таълимнинг асосий ва қўшимча таълим Дастурларини бажариш бўйича замонавий, сифатли таълим фаолиятини олиб бориш, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот, шунингдек бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳамда таълим хизматларини кўрсатиш.

Университетнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- республика иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳалари учун халқаро стандартлар асосида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш;

- АКТ соҳасида таълим дастурларини рўёбга чиқариш, дастурий маҳсулот ва ишланмаларни яратиш кўникмаларини шакллантириш, компьютер ва дастурлаш технологиялари, телекоммуникация ва телевизион технологиялар ҳамда ахборот хавфсизлиги бўйича халқаро тажрибалар асосида мамлакатимиз ва жаҳон бозорида рақобатбардош тизимларни қўллаган ҳолда ўқитиш тизимларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида касб таълимини ривожлантириш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими билан ҳамкорлигини таъминлаш, ахборотлаштиришнинг мавжуд ва янги тизимларидан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологиялари иқтисодиёти ва менежменти йўналишида истиқболли бошқарув тизимларига асосланган йўналишларни жорий этиш;

- жаҳоннинг АКТ соҳасида етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш;

- ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш;

- АКТ соҳасидаги хорижий ҳамкор университетлар базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

- АКТ соҳасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, олий таълим муассасаларида ўқитиш йўналишлари ва мутахассисларини истиқболда минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга оширилаётган худудий ва тармоқ дастурларининг талабларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш;

- таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш;

- янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан, энг янги хорижий адабиётлар сотиб олиш ва таржима қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаш бориши;

- педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиши, олий таълим муассасалари битиувчиларини PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш;

- университет илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, университет профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

- университетда тарбиянинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориши;

- университет моддий-техника базасини ўқув ва илмий-лаборатория бино ва корпуслари, спорт иншоотлари, ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаси обьектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим илм-фанининг устувор йўналишлари бўйича ўқув-илмий лабораторияларини замонавий асбоб ва усқуналар билан жиҳозлаш орқали янада мустаҳкамлаш;

- университетни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, университет талabalari, ўқитувчilari ва ёш тадқиқотчиларининг жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини кенгайтириш;

- шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги маълумот олиши орқали эришишни қондириш;

- ҳар томонлама ривожланган ва содик шахсни, мустақил давлат фуқаросини, ўз Ватани фидойиси, ҳалқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни хурмат қилувчи, ҳалқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, Ватанимиз келажаги учун вижданан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

- илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчиларнинг тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг мувофиқ соҳаларидағи олий маълумотли мутахассисларни ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- жамиятнинг аҳлоқий, маданий ва илмий қадриятдарини сақлаш ва бойитиш;
- аҳоли ўртасида АҚТ йўналишидаги билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини кўтариш.

### **3. Жорий ҳолатнинг умумий таҳлили (асосий муаммолар)**

1. Университетда профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш, уларни илмий-тадқиқот ишлари билан шугулланишларини таъминлаш ҳамда бунинг учун барча шароитларни яратиш талаб этилмоқда.
2. Ўёналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўқув режалар ва фан дастурлари кадрлар истеъмолчилари талаблари асосида мунтазам равишда такомиллаштирилиши зарур.
3. Ўқув жараёни жадвалини талабаларнинг вақт бюджети асосида такомиллаштириш зарур, аудитория машғулотларининг сифати ошган ҳолда салмоғи камайтирилиб, аудиториядан ташқари ўтказиладиган мустақил иш ҳажми ўсиб бориши лозим.
4. Талабаларга юқори савияда билим бериш учун замон талабига мос равища дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш зарур.
5. Юқори малакали кадрларни тайёрлаш учун кадрлар истеъмолчилари билан алоқаларни мустаҳкамлаб бориш мақсадга мувофиқдир, айниқса, талабаларни малакавий амалиётини ташкил этиш, корхона ва ташкилотлар мисолида битирув малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертацияларини тайёрлашда.
6. Ўқув жараёнини самарадорлигини ошириш учун педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш самарадорлигини ошириш лозим.
7. Талабалар билимини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш ҳам талаб этилмоқда.
8. Талабаларни билими ва тайёргарлик даражасини баҳолайдиган давлат аттестация комиссиялари иши такомиллаштиришни талаб этади.
9. Талабалар мустақил ишлари кўламини ошириш юқори самара беради. Мустақил ишларнинг турлари ҳамда шаклларини такомиллаштириш зарур.
10. Кафедралар фаолиятини баҳоловчи кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш зарур.
11. Профессор-ўқитувчилар илмий-педагогик салоҳиятини оишириш мақсадида уларни корхона ва ташкилотларга 1-3 ойлик стажироваларга юбориш мақсадга мувофиқдир.
12. Профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳоловчи ички аттестацияларни такомиллаштириш зарур.
13. Профессор-ўқитувчилар томонидан шахсий ўқув юкламаларига киритилган соатларни бажарилиши мониторингини такомиллаштириш зарур.
14. Университет ва филиалларда илмий-тадқиқот ишларини, айниқса соҳа корхоналари билан хўжалик шартномалари тузиш ва шу асосда илмий ишларни ривожлантиришга катта эътибор қаратиш лозим.
15. Хорижий давлатларда малака оширган профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва илмий фаолияти самарадорлигини ошириш, улар олган амалий тажриба ва кунимкаларини дарс машғулотларида фойдаланишларини тизимли ташкил этиш зарур.

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИ  
2017-2030 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

**ДАСТУРИ**

| <b>№</b>  | <b>Чора-тадбирлар номи</b>  | <b>Амалга ошириш механизми</b>   | <b>Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)</b> | <b>Муддати</b> | <b>Масъуллар</b>  | <b>Кутилаётган натижа</b>  |
|---|---|--|---|----------------|---|--|
| <b>Ўқув жараёнини тақомиллаштириш, илғор хорижий тажриба асосида замонавий таълим ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш хисобига таълим сифатини ошириш</b> |   |  |   |                |   |  |
| <b>а) Университетнинг таркиби ҳамда бошқариш тизимини янада тақомиллаштириш ва ривожлантириш</b>  |   |  |   |                |   |  |
| 1.1.  | Университетда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, АҚТ соҳасида кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш, Ривожланган хорижий мамлакатлар университетларида кадрлар тайёрлашнинг норматив-хуқуқий | Илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида университет таркибий тузилмасини тақомиллаштириш, ривожланган хорижий мамлакатлар университетларининг илғор меъёrlарини университет ўқув жараёнига татбиқ этиш; онлайн видео семинарлар ташкил этиш | -   | 2017-2030 йй.  | Ректор, проректорлар, факультет деканлари, ўқув-услубий бошқарма, ходимлар бўлими | Замон талабига мос равища университет таркибий тузилмаси тақомиллаштирилади, янги бўлим ва марказлар очилади, Университет фаолиятини тақомиллаштиришга имкон берувчи меъёrlар ишлаб чиқилади |

| <b>№</b> | <b>Чора-тадбирлар номи</b>   | <b>Амалга ошириш механизми</b>  | <b>Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)</b>                  | <b>Муддати</b> | <b>Масъуллар</b>   | <b>Кутилаётган натижа</b>   |
|----------|--|---|--|----------------|--|---|
|          | базасини ўрганиш ва шу асосда университет фаолиятини таомиллаштиришга имкон берувчи меъёrlарни ишлаб чикиш   |   |  |                |  |   |
| 1.2.     | Ахборот технологиялари ва коммуникациялари йўналишлари бўйича дунёning етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўқув жараёнига илгор хорижий тажрибаларини жорий этиш, таълимтарбия ва илмий-тадқиқотлар сифати ва самарасини ошириш мақсадида университет таркибий тузилмасини таомиллаштириб бориш | Хориждаги етакчи олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузиш; ҳар ўқув йилида хориждаги юқори салоҳиятли 5 нафар профессор-ўқитувчиларни таълим жараёнига жалб этиш | 160,0<br>(ТАТУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан) | 2017-2030 йй.  | Ректор,<br>проректорлар,<br>факультет<br>деканлари,<br>ўқув-услубий<br>бошқарма,<br>ходимлар<br>бўлими | Таълим сифати ошади,<br>талабаларга замонга мос равища янги билимлар берилади |
| 1.3.     | Янги факультет ва кафедралар, бўлинмалар, марказларни ташкил   | Юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришга  | -  | 2017-2030 йй.  | Ўқув ишлари бўйича 1-проректор,<br>ходимлар  | Университет бошқарувини амалга оширадиган меъёрий хужжатларнинг               |

| <b>№</b> | <b>Чора-тадбирлар номи</b>   | <b>Амалга ошириш механизми</b>  | <b>Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)</b> | <b>Муддати</b> | <b>Масъуллар</b>  | <b>Кутилаётган натижа</b>  |
|----------|--|---|---|----------------|---|--|
|          | етилиши асосида Университет Устави, факультетлар ва кафедралар низомларини қайта ишлаб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш  | йўналтирилган университет Устави, факультет ва кафедралар низомларини. такомиллаштириш  |   |                | бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари                                | такомиллашишига эришилади  |
| 1.4.     | Университет кафедраларида профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар фаолиятини танқидий ўрганиш хамда мавжуд муаммоларни аниқлаш мақсадида профессор-ўқитувчилар фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 сентябрдаги 32-сонли баёни балан тасдиқланган меъзонлар асосида 110 баллик тизимда баҳолашни ўтказиш. Баҳолаш натижалари бўйича ўкув жараёни, таълим технологиялари ва ўкув-услубий ишларни | Кафедраларда профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар таркиби сифати, штатлар бўйича ўкув юкламаларининг тақсимланиши ҳолати, фанлар бўйича янги ўкув йилига тайёргарлик ҳолатини танқидий ўрганиш натижасида профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш, ҳар бир кафедра бўйича маълумотлар базасини яратиш | -   | 2017-2030 йй.  | Ўкув ишлари бўйича 1-проректор, факультетлар кесимида комиссиялар, ишчи гурӯҳ | Профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг фаолиятини баҳолаш ўтказилади, ўкув жараёни, таълим технологиялари ва ўкув-услубий ишларни ривожлантиришнинг мақсадли дастури ишлаб чиқилади |

| №    | Чора-тадбирлар номи   | Амалга ошириш механизми  | Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)                        | Муддати                | Масъуллар   | Кутилаётган натижа   |
|------|---|--|---|------------------------|---|--|
|      | ривожлантиришнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқиш                          |  |   |                        |   |  |
| 1.5. | “Инновацион таълим ва тадқиқотлар маркази” фаолиятини ташкил этиш.        | Профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар малакасини мунтазам оширишни ташкил қилиш, халқаро таълим ва тадқиқотлар майдонида рўй бераётган энг илғор жараён ва тенденцияларни мунтазам ўрганиш ва уни университет фаолиятига жорий этиш. | -   | 2017 й. 2 февраль      | Ўқув ишлари бўйича проректор, факультет деканлари, кафедра мудирлари, кадрлар бўлими.               | Ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибалар жорий этилиши натижасида таълим сифати ошади.  |
| 1.6. | “Таълим сифатини бошқариш ва назорат қилиш” бўлими фаолиятини ташкил этиш | Университет таркибий тузилмасида янги бўлинма очиш   | 60,0<br>(ТАТУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан) | 2017 йил 1 сентябргача | Ўқув ишлари бўйича 1-проректор  | Ўтказилаётган машғулотлар сифати ошади   |
| 1.7. | Битиувчилар Ассоциацияси фаолиятини ташкил этиш                           | Университетни битириб иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган мутахассислар билан мунтазам мuloқot ўрнатиш, магистрантлар стажировкаси ва малакавий амалиётини самарали ташкил этишга                                   | -   | 2018 й. ноябрь         | Ўқув ишлари бўйича 1-проректор, Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор, Магистратура бўлими, | Университетни битириб иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган мутахассислар билан мунтазам мuloқot ўрнатилади |

| №   | Чора-тадбирлар номи  | Амалга ошириш механизми  | Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм) | Муддати       | Масъуллар  | Кутилаётган натижа   |
|---|--|--|------------------------------------|---------------|--|--|
|   |  | кўмаклашиш   |                                    |               | Маркетинг хизмати бўлими, кафедра мудирлари                  |  |
| 1.8.  | Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизими бўйича Университет рейтингини ошириш:<br>2017 йил -10<br>2020 йил -5<br>2025 йил -3<br>2030 йил -1 | Олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизими бўйича кўрсаткичларни тахлил қилиш, ҳар бир йўналиш бўйича ишчи гурӯхларни шакллантириш,<br>Мониторинг ва ички назорат бўлими томонидан ижро интизомини тахлил этиш ва тезкор чоралар кўриш | -                                  | 2017-2030 йй. | Ректор, проректорлар, факультет деканлари, кафедра мудирлари | 2017 йилда биринчи ўнталиқдаги олий таълим муассасалари сафига кирилади.<br>2020 йилда биринчи бешталиқдаги олий таълим муассасалари сафига кирилади   |
| <b>б) Илғор хорижий тажриба асосида ўқув жараёнини ташкил этишини такомиллаштириш</b> |  |  |                                    |               |  |  |
| 1.9.  | Реал иқтисодиёт ва истеъмолчилар талабларини эътиборга олган холда Давлат таълим стандартлари тузилмаси ва мазмуни бўйича лойихалар тайёрлаш.                    | Реал иқтисодиёт ва истеъмолчилар талаблари асосида Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларининг лойихаларини ишлаб чиқиш.   | -                                  | Мунтазам      | Ўқув ишлари бўйича 1-проректор, Ишчи гурӯх                   | Реал иқтисодиёт ва истеъмолчилар талаблари асосида янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалар ва фан дастурлари яратилади. |

| №     | Чора-тадбирлар номи  | Амалга ошириш механизми  | Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм) | Муддати       | Масъуллар   | Кутилаётган натижа  |
|-------|--|--|------------------------------------|---------------|---|---|
| 1.10. | Реал сектор ва истеъмолчилар талаблари асосида қабул квоталарини Ўзбекистон Республикаси Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш вазирлиги билан мувофиқлаштириш, янги йўналишлар ва мутахассисликларни очиш. (1.10-банд бўйича илова) | Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидағи етакчи университетлар ва олий ўқув юртлари билан хамкорлик доирасида кенг кўламда иштирок этган ҳолда янги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича ўқув режа, фандастурлари, малака талабарини ишлаб чиқиш   | -                                  | 2017-2030 йй. | Ўқув ишлари бўйича 1-проректор, кафедра мудирлари   | Бакалавриат ва магистратура босқичида янги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўқув режа, фандастурлари, малака талаблари яратилади |
| 1.11. | Ўқув жараёни ва мустақил таълимда етук олим ва мутахассисларни таклиф этган ҳолда:<br>муаммоли ва мунозарали очик маъruzалар, мулокот ва тақдимотлар, мастер-класслар, маҳсус семинарлар, дебат ва диспут клублар,                                 | Университет ўқув жараёнини ташкил этишга киритилган ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда аудитория дарслари салмоғини халқаро меъёрлар даражасида бўлишини таъминлаш ва мустақил таълим компонентини кескин ошириш, интерактив мулокотларга энг таникли, малакали ва иқтидорли олим ва мутахассисларни | -                                  | 2017-2030 йй. | Ўқув ишлари бўйича 1-проректор, ўқув-услубий бошқарма, факультет деканлари, кафедра мудирлари | Ўқув жараёнига илғор хорижий университетларнинг тажрибали профессор-ўқитувчиларини жалб этилиши натижасида таълим сифати ошади        |

| №     | Чора-тадбирлар номи   | Амалга ошириш механизми  | Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм) | Муддати  | Масъуллар  | Кутилаётган натижа  |
|-------|---|--|------------------------------------|----------|--|---|
|       | конференц-мулоқотлар ташкил этиш.<br>(1.11-банд бўйича илова)   | жалб этишга устувор масала сифатида қараш ва таъминлаш   |                                    |          |  |   |
| 1.12. | Кафедралар хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда “Кафедралар рейтинги” мезонларини яратиш ва уни мунтазам тизимли такомиллаштириб борищ, ҳар йил якуни бўйича уни аниқлаш | Кафедраларда ўқув жараёнини, ўқув-услубий, маънавий-маърифий ва илмий тадқиқот ишларини сифатли ва самарали ташкил этиш, университетнинг халқаро ва миллий таълим ва тадқиқотлар майдонидаги нуфузини янада кучайтириш ҳамда унинг ахборот-ресурс ва моддий-техник салоҳия-тини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда “Кафедралар рейтинги”ни яратиш | -                                  | 2018 йил | Ўқув ишлари бўйича 1-проректор, ўқув-услубий бошқарма, деканлар, кафедра мудирлари, ходимлар бўлими, Мониторинг ва ички назорат бўлими | Кафедралар фаолиятини баҳолаш натижасида илфор кафедралар аниқланиб уларнинг илфор тажрибаси бошка кафедраларга жорий этилади |
| 1.13. | “Факультетлар рейтинги” мезонларини уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб яратиш ва уни мунтазам тизимли такомиллаштириб  | Факультетларда ўқув жараёнини, ўқув-услубий, маънавий-маърифий ва илмий тадқиқот ишларини сифатли ва самарали ташкил этиш,   | -                                  | 2019 йил | Ўқув ишлари бўйича 1-проректор, ўқув-услубий бошқарма, деканлар,   | Факультетлар фаолиятини баҳоловчи рейтинг тизими яратилади  |

| №     | Чора-тадбирлар номи   | Амалга ошириш механизми   | Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)                       | Муддати       | Масъуллар  | Кутилаётган натижа   |
|-------|---|---|--|---------------|--|--|
|       | бориш, ҳар йил якуни бўйича уни аниқлаш   | университетнинг халқаро ва миллий таълим ва тадқикотлар майдонидаги нуфузини янада қучайтириш ҳамда унинг ахборот-ресурс ва моддий-техник салоҳиятини ривожлантиришга кўшаётган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда “Факультетлар рейтинги” ни яратиш |  |               | кафедра мудирлари, ходимлар бўлими, Мониторинг ва ички назорат бўлими                            |  |
| 1.14. | Хорижий олий таълим муассасалари даражасига (PhD) эга жаҳондаги <b>300</b> та энг яхши олий ўқув юртлари жумласига кирувчи профессор-ўқитувчиларни жалб этиш (1.14-банд бўйича илова) | Хорижий грантлар асосида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш  | Штат жадвали бўйича ойлик иш ҳаки тўланади               | 2017-2030 йй. | Ўқув ишлари бўйича 1-проректор, Халқаро алоқалар бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари, | Ўқув жараёнига илғор хорижий тажриба жорий этилади, таълим сифати ошади.           |
| 1.15. | Ўқув жараёнини бошқариш ва дарс жадвалини тузишнинг автоматлашган тизимини яратиш   | Ўқув жараёнини ташкил этиш ва уни бошқариш бўйича ахборот технологияларини жорий этиш   | 6,0<br>(ТАТУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан) | 2019 й.       | Ўқув ишлари бўйича 1-проректор, Ижодий ишли гурух  | Университетда дарс жадвалларини тузишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилади. |

| №  | Чора-тадбирлар номи  | Амалга ошириш механизми  | Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм)  | Муддати       | Масъуллар  | Кутилаётган натижа  |
|--|--|--|---|---------------|--|---|
| <b>в) Профессор-ўқитувчиларнинг касбий малакаси ва фаоллигини ошириш</b> |  |  |   |               |  |   |
| 1.16.  | Профессор-ўқитувчиларни ривожланган хорижий мамлакатлар университетларига малака оширишга юбориш.  | Ҳар ўкув йилида 7-10 нафар профессор-ўқитувчилар хорижий мамлакатларга малака оширишга юборилади.  | (Халқаро грантлар, Истедод жамғарма фонди, ТАТУнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан) | 2017-2030 йй. | Ўкув ишлари бўйича 1-проректор, Ўқув-услубий бошқарма, факультет деканлари, кафедра мудирлари. | 2030 йилга инглиз тили бўйича тўлиқ мулоқот қиласидаган ўқитувчилар салмоғи 100 фоизга етказилади. (хозирги ҳолат 35 %)                               |
